

ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

ЖДПИ катта ўқитувчи, Ш.Камолова.

**Педагогика ва психология йўналиши биринчи босқич талабаси,
Одилжонова Холбуви Зокиржон қизи**

Аннотация:Мақола бугунги глобаллашув жараёнига хос бўлиб, унда Ёшларни маънавий баркамоллик руҳида тарбиялашнинг педагогик асослари ва унинг мазмун моҳияти ўрганилган.Мақолада ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялашда миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ўрни батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: комил инсон, аллома, мутафаккир, миллий ғоя, қадр, қадрият, баркамол авлод, тарбия жараёни, миллий қадриятлар, мерос, дунёқараш, маънавий маданият, маърифат, одоб, ахлоқ-одоб, халоллик, дўстлик, истеъдод, ижодкорлик, яхши хулқ.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида жамият ҳаётининг турли соҳаларида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Ислохотлар даврида миллий қадриятларни қайта тиклаш ва уларни бойитиш йўлида самарали ишларнинг амалга оширилганлиги эртанги кун яратувчилари бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш заруриятини кун тартибига олиб чиқди.

Айниқса, бу борада «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да «Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шarti» эканлиги асосланган[1.12,].

Шунингдек,Ўзбекистон Республикаси биринчи президентининг 2006 йил 25 августидаги ПҚ-451-сонли “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарорнинг қабул қилиниши мамлакатимизда маънавият соҳасида олиб борилаётган ишларга туб бурилиш ясади. [2.19,].

Аҳолининг кенг қатламлари,аввалом бор ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат,инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш миллий урф-одат,анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини тушинтиришга йўналтирилган маънавий-маърифий ишлар бугунги кунда ўз самарасини кўрсатди.

Шунингдек, ёшларимиз фаолиятларида ислохотларимизга ўзини даҳлдорлигини ва унга бўлган муносабати энг муҳим аҳамиятга эга. Шу боиз президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онгва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириштўғрисида”ги ПФ-5618-сонли фармонини ўрганиш

долзарблигини англатади.Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши, авваломбор, тарбия ва муҳит билан бевосита боғлиқдир.[3.4б].

Шу билан шахс баркамоллигини ифодаловчи тушунчалардан бири бўлган“Қадрият” ва “Маънавият” ўзининг этимологик хусусиятига кўра истеъмолга киритилмади. Бинобарин, “Қадрият”, “Қадр” ва“Маънавият” тушунчасининг туб маъноси “Руҳий ҳолат” бўлиб, моҳиятига кўра ахлоқий мерос ахлоқий тамойил тушунчаларини англатишга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан адабиётларда кадр тушунчасига қуйидагча тасниф берилган.

Қадр-кишининг жамиятда тутган ўрни, обрў-эътибори,хурмати ва нуфузидир.

Қадрият- теварак - атрофдаги нарсаларнинг кишининг жамият учун ижобий ёки салбий аҳамиятини кўрсатувчи тушунча бўлиб, ахлоқий тамойиллар,ғоялар,йўл-йўриқлар ва мақсадларда ифодаланган ана шу тушунчага баҳо бериш мезони ва усуллари ҳисобланади.Қадриятга умуминсоний қадриятлар–маълум бир ахлоқмеъёрлари,илғор,тараққийпарвар маъданий мерослар киради.

“Маънавият-инсонни руҳан покланиш,қалбан улғайишга чорлайдиган,одамнинг ички дунёси ва иродасини бақувват,иймон эътиқодини бутун қиладиган,виждонини уйғотадиган бекиёс куч,унинг барча қарашларининг меъзонидир”.

А.Абдурахмоновнинг “Қадрият маънавий меросдир”,Ф.Ф. “Маърифат гулшани” газетасидаги мақоласида Маънавият кишининг ички руҳий ахлоқий қиёфа тушунчаси бўлиб,маълум бир ахлоқ меъёрлари,маромлари асосида яшаш тарзи, умумий ҳаётидир. [4.7, б].

Миллий ғурурни шакллантириш учун эса ҳар бир миллатнинг тарихи, аجدодлари бунёд этган моддий ва маънавий қадриятлари асосий манба ҳисобланади. Қайси миллатнинг ўтмишида мана шу манба қанчалик салмоқли бўлса, ёшларда миллий ғурурни шакллантириш тезроқ самарага олиб келади. Бундай манбалар мамлакатимизда нафақат Шарқ, балки, жаҳон цивилизацияси учун муҳим эканлиги айни ҳақиқатдир.

Қадим замонлардан бошлаб баркамол инсонни шакллантиришнинг асосий мезони сифатида ақлий етуклик, соғлом фикр, юқори истеъдод, ижодкорлик, яхши хулқ, маърифат тарбиясини шакллантириш тушинилади.

Халқимизнинг кўп асрлик маънавий меросида, миллий қадриятларимизда Ватанга, ҳаётга муҳаббатнинг ифодасини, инсоннинг юксак бурчи, маънавий қиёфаси ҳақидаги теран фикрларни, фанга, динга нисбатан мулоҳазаларни, яхши хулқли, одобли инсонлар бўлишга даъватни, илм ва маърифатни эгаллашга чақиришни, ахлоқий ғояларни, гўзал, ибратли ва мазмунли ҳаёт кечиришни тарғиб қилишни ёмон ҳислатлар устидан кулиш ва бошқа ҳолатларни кўриш мумкин.Мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг ўз бурчи ва мажбурияти моҳиятида маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш, ўзбек халқи асрлар мобайнида яратган бой маданиятни авайлаб сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш, ҳурфикирлилик, виждон ва дин эркинлигини қарор топтириш, маънавий мулкни миллий қадрият сифатида ҳимоя қилиш, маориф тизимида, хусусан, ёшларда умуминсоний ва миллий

кадриятларнинг мазмуни ва моҳиятини чуқур ўрганишга эришиш каби шартларни амалга ошириш ётади.

Одоб – ахлоққа оид тушунчаларни эъзозлаш, кенг тарғиб қилиш, бу фазилатларни ёшларнинг ахлоқий хатти-харакатларига сингдириш, турмуш тарзимизда англаб етилган эҳтиёжга айлантириш бугунги давр талабидир. Шунингдек, ёшларни халқимиз бир- неча минг йиллар давомида яратган, авайлаб – асраб келаётган маънавият хазиналари, бой қадимий мероси билан таништириш, уларни юксак маданиятли инсонлар қилиб тарбиялашдек вазифалар билан ҳамоҳанг равишда кўрилаётган масалалар сирасига киради.

Шарқ уйғониш даври мутафаккирларининг фикрича,покиза хулқ-атвор,гўзал ахлоқ-одоб,халоллик, илоҳий маърифат-комил инсонлик даражасига етиш манбаидир. Комил инсонларгина миллатнинг ёрқин кўзгуси бўлиши мумкин.

Бу борада устозлар ташаббуси, халқимиз маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, уларга хурмат уйғотилиши, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизнинг сақланиши ҳамда мазмунаб бойитилиши, шунингдек, маданият, санъат, илм-фан, техника-технология, таълим-тарбия ҳар томонлама тараққий этишида муҳим роль ўйнайди.

Халқимизнинг миллий кадриятлари, урф-одатларида ораста ва покиза кийиниш, камтарлик, оила, жамият орасида, дўсту-биродар, қариндош – уруғ олдида ўзини тута билиш, хушмуомалалик азал-азалдан қадрланиб келган, хурмат сақлаш ва бажо келтириш, иғво ва фитналардан узоқ юриш, ўзаро муомалада оддийлик ва соддалик ахлоқнинг маълум бир ўлчовларидан саналган. Тарихчи Арабшоҳнинг Амур Темур ҳаёти ҳақидаги маълумотларида унинг ёлғон-яшиқнинг душман бўлганлиги, ҳазил унинг кўнглига ёқмаслиги талон-тарожлик,қотиллик,хотин – қизларнинг номусига тегиш, зўрлаш ҳақидаги ҳеч қачон гапиришга йўл қўймаслиги ҳақиқат қанчалик аччиқ ва қаттиқ бўлмасин,уни эшитишни яхши кўрганлигини ёзиб қолдирганлигин ҳам фикримизнинг далилидир.

Буюк соҳибқирон Амир Темур ота-онани хурматлаш,устозни эъзозлаш уларни доимо қадрлаш зарур деб билиб,қуйидаги панд-насихатларни уқтиради: “Ота бўлмаган ота қадрини билмайди”, “От минган отасини унутмасин”, “Олтмишга кирган отадан ош сўрама”.

Оила ва жамият аъзолари бирлик, иноқлик, дўстлик қонунларидан чекинмасдан яшашлари, меҳнат қилишларини уқтирар экан, “Бирликсиз куч бўлмас”, “Бир таёқни синдирмоқ мумкин, кўп таёқни букиб ҳам бўлмас,” “Қўрқмасанг ёв қочар”, “Қонни қон билан эмас, сув билан ювишни ўрган” деб авлодларга насихат қилади.

Амир Темуроилавий дўстликдан ижтимоий, умумдавлат даражасидаги дўстлик, ўртоқлик шаклланиб боради деган ғояга амал қилади.

Соҳибқирон яна шундай дейди: “Дўст – душманни мурсою мадора мартабасида тутдим. Қилмишларини, айтган гапларини гоҳида сабр – тоқат, гоҳида билиб билмасликка олиш билан ўтказдим. Дўст – душмандан кимки менга илтижо қилиб келгудек бўлса, дўстларга шундай муомала қилдимки,

дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди.”[5.128].

Буюк боболармизнинг ўлмас мероси бугунги ёшларнинг маънавий тарбиясида ва айниқса уларнинг миллий дунёкараши кенгайишида битмас-туганмас хазина бўлиб, ёшлар онгига педагогика тарихи фанлари, семинармашғулотларини ўқитишда, буюк бобоклонларимизнинг ғояларини маънавий кадрият сифатида сингдириш уларни ижодий камолотсари интилишига тўртки бўлади ва натижада улар ижтимоий фаол шахс бўлишга интилади, олимлик ва комиллик даражасига эришишга ҳавас қилади.

Маънавиятли ва маърифатли инсонларгина халқ ва давлат манфаати, равнақи йўлида меҳнат қилишга қодирдирлар. Машҳур шарқ мутафаккири Шайх Азизиддин Насафий комил инсон фазилатлари ҳақида гапириб, унинг юксак ахлоқли, ўзини англаган, дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган маънавиятли ва маърифатли бўлиши зарурлигини айтади: “Билгинки, Комил инсон деб, шариат, тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга нисбатан айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф” [6.147].

Унинг қарашлари баркамол авлодни шакллантиришга, ўзининг мустақил фикрига эга бўлган, ўз фикрини мустақил баён эта оладиган, мустаҳкам иродали, ёт ғояларга қарши кураша оладиган, дунёнинг нуфузли мамлакатлари қаторидан ўрин эгаллашида ўзининг муносиб ҳиссасини қўша оладиган комил инсон тарбиясига қаратгани шубҳасиздир.

Демак, миллий–маънавий кадриятларимиз ҳақидаги батафсил маълумотлар тайёрлаш, уларни ёшларимиз онгига сингдиришга қулай ҳолга келтириб, яъни ахборот кўринишига келтириб тизимларга (қомусий ва ҳадис илми олимлари, шоирлар, ёзувчилар, тарихчилар, файласуфлар, халқ қаҳрамонлари, давлат арбоблари, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган расм-русумлар ва урф-одатлар, анъаналар ва ҳ.к.) ажратиш;

- ёшларимизда шахс камолати босқичлари асоисда Ватан туйғусини шакллантириш ва бунда улар онгига Она тупроқ, Она Ватан, Ватан соғинчи, Ватан қайғуси каби тушунчаларга ҳурмат уйғотиш;

- ёшлар тарбиясида «Баркамол авлод», «Комил шахс», «Олим», «Паҳлавон», «Аллома», «Мутафаккир», «Донишманд» каби камолат босқичларидан аниқ далиллар асосида ибрат-намуна тизимидан кенг фойдаланиш лозим;

- кадриятларимизни ёшлар онгига сингдиришда аниқ фанлардан таълим-тарбия беришда қомусий олимлар, донишманд, файласуфлар ижоди ва фаолиятдан фойдаланиш, ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича эса шоирлар, ёзувчилар, тарихчилар, халқ қаҳрамонлари, давлат арбоблари, ҳадис илми соҳибларини ибрат-намуна қилиб таълим-тарбия бериш ижобий педагогик самараларни беради.

Хулоса қилиб, шуни айтиш лозимки, буюк ақл соҳиблари ва машҳур мутафаккирларасарларида илгари сурилган ғоялар маънавий

кадрятларимизга бўлган янгича муносабатнинг камол топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Таълим ва маънавий-маърифий ишлар мазмунига миллий қадриятлар мазмуни, Шарқ мутафаккирларининг қарашлари ва замонавий ижтимоий-фалсафий, педагогик ва психологик тадқиқотларда ўз ифодасини топган маънавий маданият моҳияти тўғрисидаги ғояларни сингдириш кутилган мақсадга эришишни кафолатлайди. Ёшларининг маънавий маданиятини изчил ривожлантириш мақсадида таълим муассасаларида бу борада тўпланган тажрибаларни умумлаштириб боришга имон яратилади.

Адабиётлар рўйхати

- 1.«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Ғ.Ғ .Олий таълим (меъёрий ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами). – Тошкент: 2004. – 12 б.
2. Каримов И.А.”Юксак маънавият- енгилмас куч-Т.: “Маънавият”2008.196
3. Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онгва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан таккомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли қарори.
- 4.Абдурахмонов А. Қадрият-маънавий меросдир. ҒҒ “Маърифат гулшани” г.-12(77) 2007 й .7, б.
- 5.Мусурмонова О. ва б.Маънавий баркамол шахсни шаллантириш-жамият тараққиётининг асоси .-Т .: “ Фан ва технология” 2012 .-128
- 6.Комилова Н . Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи.1-китоб.- Тошкент:Ёзувчи,1996,147б.
- 7.Камолова Ш.Ў. Шахс камолоти босқичлари ва уларга мос дунёқарашнинг шаклланиши // Соғлом авлод учун. – Тошкент, – 2008. - № 12. – Б. 10-11.
8. Камолова Ш.Ў. Шахс интеллектуал камолотида илмий дунёқарашни юксалтириш технологиясидан фойдаланиш // (Ўқув-услубий қўлланма). – Тошкент, 2009. – 100 бет.
9. Камолова Ш.Ў. Илмий дунёқарашни ривожлантиришда синчковлик // Бошланғич таълим. – Тошкент, 2009. - № 5. – Б. 10-11.
- 10.Камолова Ш. Ў., Чиманов А.Б. Талабалар илмий дунёқарашини шакллантириш // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. –Тошкент, 2009. – Б. 107-109.
11. Камолова Ш.Ў., Ахмедова Н. Талаба шахси шаклланишида соғлом турмуш тарзи // Муғаллим ҳем Узликсиз билимлендириў илмий-методикалық журнал. – Нукус, 2009. № 1.– Б. 57-59.
- 12.Камолова Ш.Ў. Талабалар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари // (Ўқув-услубий қўлланма) – Тошкент, 2010. – 68 бет.
- 13.Камолова Ш.Ў., Мунарова Р.Ў. Уровни совершенство личности // Исследователь научный журнал. – Қозоғистон, 2010. № 5 (49). – Б.100-105.
- 14.Камолова Ш.Ў. Идея воспитания и развития мировоззрения молодёжи в образовательной программе Ибн Сины // Исследователь научный журнал. – Қозоғистон, 2010. № 9 (53). – Б. 116-118.
- 15.Камолова Ш.Ў., Мунарова Р.Ў. Бўлажак ўқитувчилар дунёқарашини

- юксалтириш // Бошланғич таълим. –Тошкент, 2010. № 8. – Б. 4.
16. Камолова Ш. Ў., Мунарова Р.Ў. Ўз-ўзини тарбиялаш – баркамол авлод иқтидорини шакллантирувчи куч // Бола ва Замон. Научно-популярный журнал детское и возрастное консультирования. – Тошкент, № 3-4 2010. Б. 30-31.
17. Камолова Ш.Ў. Роль общечеловеческих ценностей в формировании научного мировоззрения и гармонично развитой личности // Вестник Университета Российской Академии Образования. – Москва РФ, 2011.-№ 3.- Б.46.
18. Malikaxon Qodirova, [MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNING BILISH QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISH](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): [Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari](#)
19. Malikaxon Qodirova, [MAHFULOTLAR VA ULARNING BOLA IDROKINI SHAKLLANISHIDAGI AXAMIYATI](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): [Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari](#)
20. Malikaxon Qodirova, [O'SMIRLAR PSIXOLOGIYASI VA O'SMIR XULQ-ATVORINING O'ZIGA HOSLIGI](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): [Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari](#)
21. Malikaxon Qodirova, [AGRESSIYANING NAZARIY ASOSLARI](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): [Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari](#)
22. Malikaxon Qodirova, [ВОСПРИЯТИЕ " Я " У ДЕТЕЙ](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): [Journal of Pedagogy and psychology in modern education](#)
23. Malikaxon Qodirova, [ЧЕЛОВЕК И СТРЕСС](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): [Journal of Pedagogy and psychology in modern education](#)
24. Jumanova, N. (2021). ХАРАКТЕРИСТИКИ ПРОБУЖДЕНИЯ БОЛЬШОЙ ГРУППЫ ДЕТЕЙ ЛЮБОВЬ К ЛИТЕРАТУРЕ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1366>
25. Jumanova, N. (2021). ПРОФИЛАКТИКА ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ДЕФЕКТОВ В РАЗВИТИИ ЛИЧНОСТИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1365>
26. Nasiba Jumanova, ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ АКТИВАЦИИ, УСКОРЕНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 1 № 1 (2021): [Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari](#)
27. Obidova, D., & Nasiba, J. ANALYSIS OF THE ACTIVITIES OF HEALTH CARE INSTITUTIONS: PROSPECTS FOR THE APPLICATION OF PSYCHOLOGICAL KNOWLEDGE.

28.Sherboevna, N. J. (2020). THE USE OF INTEGRATED TECHNOLOGIES IN THE CULTIVATION OF CHILDREN'S SPEECH IN PRESCHOOL EDUCATION. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(2).

29.Dilfuza Qarshiboyeva, [КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У ПОДРОСТКОВ](#), [Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 \(2021\): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari](#)

30.Dilfuza Qarshiboyeva, [IMPORTANCE OF PSYCHOLOGICAL KNOWLEDGE IN LEARNING FOREIGN LANGUAGES](#), [Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 1 № 4 \(2021\): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari](#)

31.Qarshiboyeva, D. (2021). ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ҲАҚИДАГИ БИЛИМЛАР УЗЛУКСИЗЛИГИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, (2). извлечено от

<https://art.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2906>

32.Toshpo'latova, N. (2021). СНЕТ ТИЛИ ФАНЛАРИНИ О'ҚИТИШДА О'QUVCHINING INDIVIDUAL PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARINI HISOBGA OLISH USULLARI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, (2). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3073>

33.Nodira Toshpo'latova, [ПРИ ОБУЧЕНИИ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ - УЧИТЫВАТЬ ПСИХИКУ УЧАЩИХСЯ](#), [Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 \(2021\): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari](#)

34.Nodira Toshpo'latova, [ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ РАҲБАРИНИНГ МУЛОҚОТИ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА](#), [Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 \(2021\): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari](#)

35.Ахмедова Насиба Ачилевна, СОҒЛОМ МУҲИТ –СОҒЛОМ ОИЛА ТАЯНЧИ.<https://history.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2966/1982>

36.Kamolova, S. (2022). ЎҚИТУВЧИ ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(5). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5114>

37.Shirin Kamolova, [РАСШИРЕНИЕ И РАЗВИТИЕ НАУЧНОЕ МИРОВОЗЗРЕНИЕ СТУДЕНТОВ](#), [Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 \(2020\): Journal of Pedagogy and psychology in modern education](#)

38.Shirin Kamolova, [САМОВОСПИТАНИЕ – ОСНОВА ФОРМИРОВАНИЯ ГАРМОНИЧНО – РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ](#), [Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 \(2020\): Journal of Pedagogy and psychology in modern education](#)

39. Shirin Kamolova, [ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ МИРОВОЗЗРЕНИЯ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ](#), [Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 \(2021\): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari](#)
40. Shirin Kamolova, [THE ROLE OF UNIVERSAL AND SCIENTIFIC VALUES IN THE SPIRITUAL DEVELOPMENT OF FUTURE TEACHERS](#), [Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 \(2021\): Журнал педагогики и психологии в современном образовании](#)
41. Shirin Kamolova, [ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ОБРАЗОВАНИИ ЯВЛЯЕТСЯ ТРЕБОВАНИЕМ СЕГОДНЯШНЕГО ДНЯ](#), [Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 \(2021\): Журнал педагогики и психологии в современном образовании](#)
42. Shirin Kamolova, [IMPLEMENTATION OF PEDAGOGICAL ETHICS IN FUTURE TEACHERS](#), [Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 \(2021\): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari](#)
43. Shirin Kamolova, [АВЕСТОДА АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК КЎРИНИШЛАРИ](#), [Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 \(2021\): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari](#)
44. Po'latova, N. (2022). [ОТМ ИЛМИЙ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ МАЗМУН МОҲИАТИ](#). *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5113>
45. Nazira Po'latova, [ЭСТЕТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ КАК ФАКТОР ДУХОВНОГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЛИЧНОСТИ](#), [Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 \(2021\): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari](#)
46. Nazira Po'latova, [ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ХАЁТГА ТАЙЁРЛАШДА ИБН СИНО ИЛМИЙ МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ](#), [Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 \(2021\): Журнал педагогики и психологии в современном образовании](#)
47. Mamaraimova, R. (2022). [ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР ЁРДАМИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МАЗМУН МОҲИАТИ](#). *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5112>
48. Ra'no Mamaraimova, [КИЧИК МАКТАБ ЁШИ ЎҚУВЧИЛАР КОМПЕТЕНТЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БАЪЗИ ЖИҲАТЛАРИ](#), [Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 \(2021\): Журнал педагогики и психологии в современном образовании](#)

39. Abdurasulov, R. (2022). ПСИХОЛОГИЯДА СПОРТЧИ ШАХСИ ХАРАКТЕРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании*, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5110>
40. Rustam Abdurasulov, [ШАХСИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ШАРҚ ЯККАКУРАШИ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ - ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ](#), *Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогикаси ва психологияси в современном образовании*
41. Jumanova, N., & Abduvalieva, N. A. (2022). ВО'ЛАЖАК О'ҚИТУВЧИЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ RIVOJLANTIRISH. *Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании*, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5107>
42. Abdurasulov, R. (2022). ПСИХОЛОГИЯДА СПОРТЧИ ШАХСИ ХАРАКТЕРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании*, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index30php/ppmedu/article/view/5109>
43. Abdurasulov, R. (2022). ПСИХОЛОГИЯДА СПОРТЧИ ФАОЛИЯТИДА МОТИВАЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ. *Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании*, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5108>
44. Hamdamov, X. (2022). МНОГОЗНАЧИТЕЛЬНОСТЬ ОБУЧЕНИЯ ВОЕННОЙ ПСИХОЛОГИИ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ВОЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ. *Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании*, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5106>
45. Qodirova, M. (2022). O'SMIRLAR TARBIYASINING QIYINCHILIK XUSUSIYATLARI VA ULARNING KELIB CHIQUISH SABABLARI. *Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании*, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5105>